



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

2024 йил — Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 29 февраль, № 44 (8667)

Пайшанба

Сайтимидаги ўқиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## «ЯШИЛ» ЭНЕРГЕТИКА ҲАМ ИҚТИСОДИЁТ ДРАЙВЕРЛАРИДАН БИРИГА, ҲАМ ЧИНАКАМ УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТГА АЙЛАНМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 28 февраль куни қайта тикланувчи энергия манбаларини кўпайтириш бўйича устувор вазифалар юзасидан йиғилиш ўтказди.

Тахлилларга кўра юртимизда кўёш ва шомол энергияси салоҳияти электрга бўлган ҳозирги эҳтиёжни 10 — 12 баробар ортири билан қоплашга етади. Лекин шундай улкан имконият анча йиллар давомида ишга солинмаган эди.

Сўнгги йилларда давлатимиз томонидан бу соҳага катта эътибор қаратилиб, ҳуқуқий замин яратилди. «Яшил» энергия манбаларини барпо қилиш бўйича катта дастурлар бошланди. Инвесторлар учун жозибдор муҳит ташкил этилди.

Бугунги кунга қадар соҳага 2,1 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестиция кириб келди, яна 13 миллиард долларлик лойиҳалар амалга оширилди. Деярли барча вилоятларда замонавий кўёш ва шомол электр станциялари барпо этилмоқда.

Жумладан, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Сурхондарёда 1,6 гигаваттлик 9 та йирик кўёш ва шомол электр станцияси ишга тушди. Андижон, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида 183 мегаваттлик 6 та йирик ва кичик ГЭС фойдаланишга топширилди.

Шунингдек, ижтимоий соҳа объектлари, корхона ва ташкилотлар, тадбиркорларга тегиш-

ли бинолар ва аҳоли хонадонларида умумий қуввати 457 мегаваттлик кўёш панеллари ўрнатилди. Бу ишларга банклар томонидан қарийб 2 триллион сўм ресурс ажратилди.

Натижада қўшимча 5 миллиард килловатт-соат экологик тоза электр ишлаб чиқариш ва 1,5 миллиард куб метр газ тежаш имконияти яратилди.

Бу соҳадаги кенг қамровли ишлар маҳаллий корхоналарда трансформатор, ҳар хил турдаги кабеллар, иситиш коллекторлари, кўёш панели, изолятор, металл устунлар каби маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ҳам катта туртки берди.

Бир сўз билан айтганда, «яшил» энергетика — ҳам иқтисодий драйверларидан бирига, ҳам чинакам умуммиллий ҳаракатга айланмоқда.

2024 йилда «яшил» энергия ҳажми 13 миллиард килловатт-соатга, унинг мамлакатимиздаги жами улуши 15 фоизга етади. Қисқа давр учун бу жуда катта кўрсаткич, албатта.

Лекин бу борада ҳали имкониятлар кўп, улар ҳамма ҳудудларда ҳам тўлиқ ишга солинмапти.

Шу боис йиғилишда қайта тикланувчи энергия манбаларини кўпайтириш ва шунга яраша

инфратузилмани ривожлантириш бўйича янги режалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари соҳадаги тажрибага таяниб, бу йилдан йирик «яшил» энергия кувватларини яратиш бўйича уч йиллик дастурга ўтиш зарурлигини таъкидлади.

Аҳоли ва иқтисодиёт тармоқлари талабидан келиб чиқиб келгуси уч йилда 8 гигаваттлик 28 та йирик кўёш ва шомол электр станцияси ишга туширилади. 944 километр юқори кучли электр тармоқлари ва 6 та йирик подстанция қурилади. Жами 2,2 гигаватт бўлган 18 та электр сақлаш қуввати ўрнатилди.

Энергетика тизимининг барқарорлигини таъминлаш учун ушбу қувватларга мос тармоқларни қуришни ҳамда зарур материаллар ишлаб чиқаришни ҳозирдан бошлаш кераклигини қайд этилди.

Энергетика вазири уч йиллик дастурдан ўрин олган 2,6 гигаваттлик 14 та станция бу йил ишга туширилиши, уларни тармоққа улаш учун 5 та подстанция қуввати кенгайтирилиб, 500 километр юқори кучли электр тармоқлари қурилиши ҳақида ахборот берди.

Умуман, янги қувватлар ҳисобига бу йил камида 85 милли-

ард килловатт-соат, шундан кўёш ва шомол станцияларида 6 миллиард килловатт-соат электр ишлаб чиқарилиши айтилди.

Жойларда кўёш панелларини ўрнатиш ҳолати ҳам кўриб чиқилди.

Аҳолининг бундан манфаатдорлигини ошириш мақсадида «Кўёшли хонадон» дастури жорий қилинган. Унга кўра кўёш панели ўрнатган аҳолидан ҳар 1 килловатт электрни 1 минг сўмдан сотиб олиш тизими йўлга қўйилди. Ҳозирда 11 мингга яқин хонадонлар эгалари бу имкониятдан самарали фойдаланяпти.

Бу ишларни кенгайтириш учун унинг жозибдорлигини ошириш, кўёш панели ўрнатувчиларга кўмаклашиш кераклигини айтилди. Бунинг учун қўшимча 50 миллион доллар ресурс ажратилиши, хорижий инвесторлар иштирокида яна 100 миллион доллар жалб қилиниши белгиланди.

Кўёш энергиясидан фойдаланишда тадбиркорларга ҳам қўшимча энгилликлар яратилди. Жумладан, кўёш панели, инвертор ва аккумуляторларни импорт қилишда божхона имтиёзлари яна беш йилга узайтирилди.

Мутасаддиларга қишлоқ ва сув ҳўжалиги, ичимлик суви таъ-

миноти каби энергия сарфи юқори бўлган соҳаларда қайта тикланувчи энергия манбаларини қўллаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиш топширилди.

Бу соҳа ривожланаётгани бошқа турдош тармоқларга ҳам ижобий таъсир этмоқда. Хусусан, йирик кўёш ва шомол станцияларини қуриш, уларни тармоққа улаш, таъмир ва сервис хизмати кўрсатиш жараёнларида маҳаллий корхоналаримиз учун камида 1 миллиард долларлик бозор пайдо бўлмоқда.

Шу боис бу йил Қарши шаҳридаги «Солар кластер»да кўёш панели, аккумулятор, инвертор, сув иситкич, Оҳангарон sanoat зонасида кабель ва трансформатор, Нукус шаҳри ва Андижон туманида кўёш панеллари ишлаб чиқариш лойиҳалаштирилган.

Президентимиз маҳаллий корхоналарга халқаро сертификатларни олишда ва ишлаб чиқаришни халқаро стандартларга мослаштиришга кўмаклашиш бўйича кўрсатма берди.

Энергетика вазири ва ҳокимлар йиғилишда белгиланган вазифалар бўйича ишни ташкил қилиш режалари юзасидан ахборот берди.

Ў.А.

### Сенат кўмиталарида

Парламент юқори палатаси бир қатор кўмиталарининг бўлиб ўтган мажлисларида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2023 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот чуқур муҳокама қилинди.

### ДАЪВО АРИЗАЛАРИНИНГ АКСАРИЯТИ ҚАНОАТЛАНТИРИЛГАН

Хусусан, Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари кўмитаси мажлисида таъкидланганидек, ҳисобот йилида Омбудсманга 18 622 та мурожаат келган бўлиб, шундан 15 934 таси фуқаролардан, 2 662 таси маҳкум ва маҳбуслар ҳамда уларнинг яқинларидан, 26 таси чет эл фуқаролари ва хорижий давлатлар омбудсманларидан келиб тушган.

Вакил томонидан фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш юзасидан давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда суд-

ларга таъсир чоралари шаклидаги ҳужжат киритилган. Ҳисобот даврида Омбудсман томонидан судларга киритилган даъво аризаларининг аксарияти қаноатлантирилган.

Омбудсман ва у бошчилигидаги жамоатчилик гуруҳлари томонидан ҳаракатланиш эркинлиги чекланган шахслар сақланган масканларда мониторинглар ўтказилиб, аниқланган бир қатор салбий ҳолатларни бартараф этиш чоралари қўрилди. Ушбу ҳолатлар юзасидан тегишли вазирлик ва идораларга тақдимодалар киритилган.



### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ТАЪСИРЧАН ПАРЛАМЕНТ ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ЎРНАТИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда дастлаб Президентимиз Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон — 2030» стратегиясини «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурининг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, унда белгиланган устувор вазифаларнинг самарали ижро этилиши устидан таъсирчан парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш, жойларда ушбу ҳужжатга оид масалаларни ҳал этишда давлат ва маҳаллий органларга ҳар томонлама кўмак бериш хусусида тўхталиб ўтилди. Дастуриламал ҳужжатнинг бажарилиши ҳолати сиёсий партиялар фракциялари ва кўмиталар томонидан доимий равишда ўрганиб борилиши мақсадида мувofiқлиги таъкидланди. Мажлисида, шунингдек, юртимизда олиб борилаётган илмий ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва янада мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари атрофида кўриб чиқилди.

### Ўзбошимчалик билан қурилган уй-жойлар ва мулк ҳуқуқи

Мажлисида ўзбошимчалик билан эгаланган ер участкалари ҳамда уларда қурилган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этишга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.



### ҚИСҚА САТРЛАРДА

#### ННТ фаолияти муҳокамаси

Пойтахтимизда «Янги Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотлари ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ҳамда ижтимоий масалаларни ҳал этишда ўзаро ҳамкорлик истиқболлари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Бутунжаҳон нодавлат нотижорат ташкилотлари кун муносабати билан ташкил этилган ушбу тадбирда юртимиздаги ННТни қўллаб-қувватлаш, яратилаётган шарт-шароитлар, соҳанинг ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган амалий ҳаракатлар муҳокама қилинди.

#### Турнирга тайёргарлик ишлари қандай кетмоқда?

1 — 3 март кунлари пойтахтимиздаги «Хумо» спорт мажмуасида дзюдо бўйича «Париж — 2024» Олимпиадасининг муҳим рейтинг очколарини тақдим этадиган «Катта дубулга» турнири бўлиб ўтади. Ўзбекистон дзюдо федерациясида уюштирилган йиғилишда ушбу нуфузли мусобақага тайёргарлик ишларининг бориши, умуман, турнир доирасидаги тадбирларни юқори савияда ташкил этиш масалалари кўриб чиқилди.

#### Тўғонларни ривожлантириш ва бошқариш зарурати

Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда Япония Ер, инфратузилма, транспорт ва туризм вазирлиги ҳамкорлигида «Тўғонларни ривожлантириш ва бошқариш» мавзусида қўшма илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Ўзбекистон — Япония ёшлар инновация марказида ўтказилган ушбу тадбирда сув ҳўжалиги соҳасидаги истиқболли лойиҳаларни янада кўпайтириш, табиий офатларнинг олдини олиш ва сифатли инфратузилмалар билан таъминлаш бўйича ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалалари хусусида сўз юритилди.

«Халқ сўзи».

## ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ НАМОЙИШИ УЧУН ҚУЛАЙ МАЙДОН



### Кўргазма

Кеча пойтахтимиздаги «Ўзэксспомарказ»да 25-халқаро «Қурилиш — UzBuild — 2024» кўргазмаси ўз фаолиятини бошлади.

«Itesa Exhibitions» халқаро кўргазма компанияси томонидан ташкил этилаётган ушбу тадбирда 19 мамлакатдан 450 дан ортиқ компания ва брендлар қатнашмоқда.

Кўргазманинг ихтисослаштирилган бўлими «Қурилиш техникаси ва технологиялари — BuildTech» — қурилиш техникаси, йўл қурилиши ускуналари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳамда кўлаб бошқа маҳсулотларнинг кенг танловини намойиш қилмоқда.



### Анжуман

## ХАЛҚАРО БОБУРШУНОСЛИК ИЛМИЙ ПЛАТФОРМАСИ

Тошкент давлат шарқшунослик университетида ўтган йиллар мобайнида Бобур номидаги халқаро жамоат фонди томонидан амалга оширилган ишлар ҳамда яқинда ишга туширилган «baburid.uz» — халқаро бобуршунослик илмий платформаси тақдимоти юзасидан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда мамлакатимизда маънавият ва адабиётни янада ривожлантириш, ёшларнинг маданий-маърифий савиясини юксалтиришга қаратилган ишлар сиёсатини ҳамда халқимиз ҳаёти ҳамда тарихида ёрқин из қолдирган буюк алломаларимиз хотирасини абадийлаштиришга алоҳида эътибор берилган таъкидланди.

Президентимизнинг 2023 йил 25 январдаги «Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарори асосида амалга оширилаётган ишлар бу борадаги муҳим қадамлардан биридир.

Хусусан, Бобур номидаги халқаро жамоат фонди томонидан буюк аждодимиз хотирасини абадийлаштириш, у қолдирган бой илмий-маданий меросни излаб топиб, Ватанга олиб келиш ва илмий муомалага киритишга қаратилган чора-тадбирлар янги босқичга кўтарилди.

Таъкидлаш жоизки, фонд тасарруфидаги Бобур халқаро илмий экспедициясининг биринчи сафари 1992 йилнинг май ойида амалга оширилган бўлиб, шу кунгача 50 дан ортиқ хорижий давлатларга 30 дан кўп халқаро сафарлар уюштирилган.



## ҲАР БИР ИНСОН ЎЗ САЛОҲИЯТИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШИГА МУНОСИБ ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛАДИ

Факт ва рақамлар

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясини «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги Президент Фармони билан жорий йилга мўлжалланган амалий тадбирлар режалари тасдиқланди.

Хусусан, ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун муносиб шароитлар яратиш йўналиши доирасида 2024 йилда:

- Президент ва ихтисослаштирилган мактабларнинг bilimларни баҳолаш тизими қўшимча **1 000 та** умумий ўрта таълим муассасаларида жорий қилиниб, фанлардаги амалий машғулотлар улуши **60 фоизгача** оширилади.
- **6,7 миллион** нафар **40** ва ундан катта ёшдаги аҳоли орасида юрак-кон томир, кандли диабет, ўпканинг сурункали обструктив касалликлари хавфини аниқлаш бўйича профилактик кўриклар ташкил этилади.
- **7,5 минг** нафар ёш замонавий касбларга ўқитилади, халқаро имтиҳон тизимларида чет тиллар бўйича юқори балл олган **6 минг** нафар ёшнинг имтиҳон харажатлари коплаб берилади.
- **10 миллион** нафар аҳоли югуриш, футбол, волейбол, стол теннис, шахмат, мильни ва белбогли кураш каби спорт турлари бўйича марафон ва мусобақаларни ташкил этиш орқали оммавий спортга жалб қилинади.

## ДАЪВО АРИЗАЛАРИНИНГ АКСАРИЯТИ ҚАНОАТЛАНТИРИЛГАН



Қайд этиш жоизки, Омбудсман томонидан нафақат ҳаракатланмиш эркинликни чекланган шахслар сақланадиган масканларда сақланаётган шахсларга рухий, психологик, жисмоний ёки бошқача тарзда босим ўтказилганлиги тўғрисидаги шикоятлар, балки Интернет жаҳон ахборот тармоғида бу каби хаталар юзасидан тарқалган хабарлар ҳам тўлиқ назоратга олинган ва тегишли тартибда расмий муносабат билдирилган. Кўмита аъзолари ҳисоб...

ботни тинглаб, қийоққа солиш, шафқатсиз, ғайриинсоний ва кадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турлари қўлланилишининг олдини олиш мақсадида ўтказилган мониторинглар сони ва сифати ўсиб бораётганини ижобий кўрсаткич сифатида қайд этди. Шу билан бирга, аҳоли мурожаатларида кўтарилмаётган долзарб масалаларга ижобий ечим топиш мақсадида тегишли идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликдаги ишларни кучайтириш муҳимлиги билдирилди. Мажлисида бир қатор тақлифлар ҳам илгари сурилди. Масалан, рақамли технологиялар шиддат билан ривожланиётган даврда Омбудсманга мурожаат қилишининг тез ва қулай имкониятини берувчи мобил иловани ишлаб чиқиш ҳамда йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

## ТАЪСИРЧАН ПАРЛАМЕНТ ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ЎРНАТИЛАДИ

Таъкидланганидек, 2018 йилда Президентимизнинг тегишли Фармонида мувофиқ ўтказилган бир марталик умумдавлат акцияси доирасида 621 минг нафардан ортиқ фуқароларнинг ўзбошимчалик билан эгаланган ер участкасида тегишли рухсатномасиз қурилган уй-жойларига нисбатан эгалик ҳуқуқи эътироф этилиб, уларга кадастр ҳужжатлари расмийлаштириб берилган эди. Шунга қарамадан бугунги кунга қадар 3 миллиондан ортиқ фуқароларнинг рухсатномасиз қурилган уй-жойларига нисбатан эгаликни белгилаш масаласи қонуний ечимини кутмоқда.

Таъкид этилаётган қонун лойиҳаси билан амалдаги "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Қонунга олдин мавжуд бўлмаган қатор янги нормалар ҳам киритилмоқда. Хусусан, асосий атамалар халқроқ нормаларга мувофиқлаштириляпти. Оператор ва провайдерларнинг ўзаро тармоқ хизматларини аҳолига қўрсатиладиган телекоммуникация хизматларидан фарқлаш мезонлари киритилляпти.



Бундан ташқари, қонун лойиҳасининг қўллаб-қувватлаш янги тахирдаги Конституцияга мослаштирилмоқда. Хусусан, қонунчиликка мувофиқ телекоммуникациялар соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари лойиҳанинг тегишли моддасида белгиланган бўлса, унинг биринчи қисми Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш эканлиги назарда тутилди. Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳаси телекоммуникация инфратузилмасидан самарали фойдаланиш имкониятини яратишга хизмат қилади. Натияжада интернетдан фойдаланиш имконияти кенгайтирилади ва шу орқали аҳоли давлат хизматларидан фаол фойдаланади, электрон тижоратни амалга оширади.

### Қонун лойиҳаси масъул кўмитага қайтарилди

Мажлисида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни иккиламчи ижарага бериш ва улардан самарали фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди. Таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг дала четларида 34,5 минг гектар, коллектор-дренажлар атрофида 24,5 минг гектар ер майдонларида қўшимча 340 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш имкони мавжуд. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш билан бирга, маҳсулотларни экспорт қилиш имкониятини янада кенгайтиради.

Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорисиз ўзбошимчалик билан эгаланган ер участкасида қурилган уй-жойлар, бошқа бино ва иншоот ёки қўчмас мулк объектларига ҳамда кичик саноат зоналари ҳудудига жойлаштирилган тадбиркорлик субъектларининг бино ва иншоотларига нисбатан ҳуқуқни эътироф этиш тартибини белгилаш зарурати мавжуд. Қонун лойиҳаси билан ер участкаси ва унда қурилган иморатга бўлган ҳуқуқни, шунингдек, яқин тартибдаги



уй-жой қурилган ўзбошимчалик билан эгалаб олинган ер участкасига ижара ҳуқуқини эътироф этиш тартиби белгиланмоқда. Ортиқча эгаланган ер участкасига, боғдорчилик ва узумчилик ширкатлари ҳудудидagi тураржойлар эгаланган ер участкасига ижара ҳуқуқини эътироф этиш асослари назарда тутилляпти.

### Баҳолаш фаолиятида муҳим ёндашув

Мажлисида баҳолаш фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси ҳам муҳокама марказида бўлди. Кейинги йилларда мамлакатимизда хусусий мулк дахлсизлиги ва мол-мулкнинг ҳақуқий бозор баҳосини шакллантириш ҳамда унинг ишончилигини таъминлашга қаратилган кенг қўламли илохотлар амалга оширилмоқда. Ўз навбатида, мазкур соҳадаги илохотлар баҳолаш йўналишидаги суд-экспертлик ва баҳолаш фаолиятининг янада ривожлантирилишида, соҳада қонун устуворлиги таъминлашида, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатли химоя қилинишида ҳамда мамлакатимизнинг халқроқ рейтинг ва индексларидаги кўрсаткичлари яхшила-нишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бундан ташқари, ижара ҳуқуқи эътироф этилган ер участкасининг ер фонди тоифасини ўзгартириш, қўчмас мулк объектига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ижара ҳуқуқи эътироф этилган ер участкасини хусусийлаштириш тартиблари ўз аксини топмоқда.

Лойиҳада ўзбошимчалик билан эгаланган ер участкаси ҳамда унда қурилган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқлар эътироф этилган тақдирда, ер участкасини ўзбошимчалик билан эгалаб олган шахслар мазмурий жавобгарликдан озод этилиши кўзда тутилляпти. Мухокамада депутатлар қонун лойиҳасининг халқчиллигини эътироф этган ҳолда ҳудудларда сайловчилар билан учрашувларда кўтарилмаган энг қўп масала уй-жой билан боғлиқлигини қайд этдилар. Ўз навбатида, ушбу лойиҳанинг айрим нормалари юзасидан аниқлаштирувчи саволлар ўртага ташланди. Қайд этилганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ўзбошимчалик билан эгаланган ер участкаларига нисбатан ижара ҳуқуқи ҳамда уларда қурилган уй-жой бошқа бино ва иншоот ёки қўчмас мулк объектларига нисбатан мулк ҳуқуқи расмийлаштирилиши учун ҳуқуқий асослар яратилишига хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди. Шунингдек, лойиҳадаги "мақбул экинлар" тушунчасини аниқ талқин қилиш мақсадида қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш тартибига асосан экиш белгиланди ва Ер кодексига киритилаётган қўшимчаларни моддалар предметидан келиб чиқиб, уларни амалдаги қонунчилик нормаларига мувофиқлаштириди.



Шу билан бирга, бугунги кунда баҳолаш фаолиятини тартибга солишга аналдаги қонунчилик ҳужжатларида айрим муаммоларнинг мавжудлиги мазкур фаолият турини ҳам қайта кўриб чиқишни тақозо этаётди. Хусусан, суд экспертлари ва баҳоловчи ташкилотлар учун умумий баҳолаш қондалари ҳамда тартиблари белгиланмагани ушбу соҳани такомиллаштириш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш заруратини юзасига келтирмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси билан "Баҳолаш фаолияти тўғрисида"ги Қонунга баҳоловчи назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофазат этувчи органлар ўтказадиган текширишларда ва бошқа тадбирларда баҳоловчи ташкилот ҳамда ушбу органлар ўртасида тузилган шартнома асосидаги эксперт сифатида ҳам ишторқ этиши мумкинлигини назарда тутувчи ўзгартириш киритилмоқда. Бундан ташқари, "Суд экспертизаси тўғрисида"ги Қонунга баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботларда қўлланилган усулларнинг илмий асосланганлиги юзасидан суд экспертизасини уч йил иш стажига эга бўлган суд экспертлари томонидан ўтказилишига йўл қўйилиши бўйича қўшимча киритилляпти. Текширишларни ўтказишда суд экспертнинг хулосасига

### Замонавий телекоммуникация инфратузилмаси мажбурий бўлади

Депутатлар "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқдилар.

Мазкур қонун лойиҳаси билан аҳолига ва телекоммуникация соҳасида фаолият юритувчи субъектларга бир қатор қулайликлар яратилмоқда. Хусусан, лойиҳага кўра энди банк, тўлов тизими, тўлов ташкилоти, электрон тижорат платформаси иловалари орқали хизматларни кўрсатишда телекоммуникациялар соҳасида фаолият юритиш учун лицензия талаб этилмайди.

Бугунги кунга қадар янги қурилган кўп қаватли уйларнинг айримларида тегишли инфратузилма кўзда тутилмагани сабабли қайта қурилиш ишларини олиб беришга тўғри келаётди. Бу каби овозгарчиликларнинг олдини олиш мақсадида бундан кейин бино ва иншоотлар қурилишида замонавий телекоммуникация инфратузилмаси мажбурий бўлади. Жумладан, кўп қаватли уйларда яшовчиларнинг аризаси бўлганда хизмат кўрсатувчи тадбиркорлик субъектларига бинода мавжуд инфратузилма-

## МОНИТОРИНГЛАР СИФАТИ ЯХШИЛАНИБ БОРАЁТГАНИ — ИЖОБИЙ КЎРСАТКИЧ

Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитаси мажлисида ўтган йили Омбудсман ўз фаолиятини янги конституциявий қоидалар асосида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши устидан таъсирчан парламент назоратини амалга ошириш, соҳага оид миллий қонунчиликни ҳамда миллий превентив механизмини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратгани таъкидланди. Айниқса, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашга жиддий ёндашилган.

Хисобот даврида Омбудсман номига 18 622 та мурожаат келиб тушган. Фуқаролар мурожаатлари асосида уларнинг манфаатларига 1,85 млрд. сўм ундирилган. Омбудсман қотибяти ҳодимлари фуқароларнинг мурожаатлари ва сўровлари асосида суд мажлисларида 249 марта ба кузатиш сифатида иштирок этгани ҳам эътиборга молик. Бундан ташқари, минтақавий вакиллар

худудларда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида Омбудсман номидан давлат органлари ва ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахсларига кўриб чиқилиши мажбурий бўлган ариза ва даъво аризалари, тақдиминомалар ҳамда тавсиявий хусусиятга эга хулосалар киритилишида бевоқиф қатнашган. Сенаторлар бугунги кунда қийоққа

солиш, шафқатсиз, ғайриинсоний ва кадр-қимматни камситувчи муомала, жазо турлари қўлланилишининг олдини олишга қаратилган мониторинглар сони ҳамда сифати яхшиланиб бораётганини ижобий кўрсаткич сифатида қайд этди. Шу билан бирга, аҳоли мурожаатларида кўтарилмаётган долзарб масалаларга ижобий ечим топаётгани алоҳида эътироф этилди. Тадбирда сенаторлар томонидан Омбудсманнинг фаолиятини янада такомиллаштириш ва янги механизмларни татбиқ қилиш ҳамда хорижда ишлаётган ватандошларимиз ҳуқуқларини таъминлаш, зарур ҳолларда уларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилаётган ишларни янада кенгайтириш, бу борада халқроқ ҳамкорликини мустаҳкамлашга қаратилган тақлиф ва тавсиялар билдирилди.

## ТЕЗКОР МУНОСАБАТ ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси мажлисида қайд этилганидек, Омбудсман 2023 йилда янги конституциявий қоидалар асосида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига доир қонунчиликка риоя этилиши устидан таъсирчан парламент назоратини амалга ошириш, халқроқ ҳамкорлигини ривожлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқий оғми ва маданиятини оширишда бир қатор ижобий ишларни олиб борган.

Сенаторлар сўзларига кўра Олий Мажлис Сенатининг 2023 йил 7 апрелдаги тегишли қарори ижроси бўйича такрорий мурожаатларнинг олдини олиш чоралари кўрилиши натижасида бу борада ижобий натижаларга эришилди. Жумладан, такрорий мурожаатлар сони 2023 йилда

3 098 тани ташкил этди ва 2022 йилдагига нисбатан 823 тага ёки 21 фоизга камайди. Айни чоғда ўтган йилда фуқароларнинг Омбудсманга мурожаатлари асосида улар манфаатларига 1,85 млрд. сўм ундирилишига эришилгани ҳам эътироф этилди.

ларга жавоб хатлари тегишли ташкилотлар томонидан ўз вақтида берилмагани оқибатида иқтисодий ҳуқуқлар билан боғлиқ мурожаатлар 10 фоизга, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари билан боғлиқ мурожаатлар 16 фоизга ошган. Шу билан бирга, минтақавий вакиллар томонидан йил давомида ташкил этилган сайёр қабулларда 646 та мурожаат келиб тушган бўлиб, бу ҳар ойда атғи 4-5 тани ташкил этганини, ушбу ҳолатлар Омбудсманнинг минтақавий вакиллари фаолиятига аҳолининг ишончи етарли даражада эмаслигидан ёки жойларда минтақавий вакиллар фаолиятини кучайтириш зарурлигидан далолат беради.

## ИЖТИМОЙ СОҲА БЎЙИЧА МУРОЖААТЛАР КАМАЙМОҚДА

Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси мажлисида эътироф этилганидек, мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, хотин-қизлар, болалар, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлақонли таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини химоялаш, уларнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий фаолигини ошириш, соғлигини сақлаш, касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш, тадбиркорликка кенг жалб қилиш, эҳтижман хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган илохотлар тизимли давом этмоқда. Ўтган йилда Омбудсманга хотин-қизлар ҳуқуқлари чекланиши, аёлнинг таҳқирланиши, оиладаги тинчликни таъминлаш ва зўравонликнинг олдини олиш масаласида 133 та мурожаат келиб тушган. Шунингдек, 2023 йилда Омбудсманга аёллардан алимент ва молиявий қўмак

олиш бўйича 382 та мурожаат келган. Ушбу кўрсаткич 2022 йилдагига нисбатан 68 тага ёки 17,8 фоизга ошган. Омбудсманнинг "Ишонч телефони" орқали 92 нафар фуқарога алимент ундириш масаласи бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилган. Ўшбу мурожаатларнинг ўрганилиши натижасида Омбудсман томонидан хотин-қизларнинг вояга етмаган фарзандлари таъминоти учун 80,7 млн. сўмлик алимент тўловлари ундирилиши таъминланган. Бундан ташқари, 3 та ҳолатда қардорларга нисбатан Жиноят кодексининг 122-моддасига мувофиқ иш кўзга тилган, 21 нафар фуқаронинг "аёллар дафтери"га киритилишида қўмақлашилган.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш йўналишида Омбудсманга мурожаатлар тахлили шуни кўрсатмоқдаки, ижтимоий соҳа бўйича келиб тушаётган мурожаатлар сони йил сайин камайиб бораётгани давлатимизда олиб борилаётган кенг қўламли илохотларнинг натижаси эканлиги, хотин-қизлар ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани ва уларнинг ижроси таъминланаётганидан дарак беради. Йигилишда аҳоли мурожаатларида кўтарилмаётган долзарб масалаларга ижобий ечим топиш мақсадида тегишли идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликдаги ишларни кучайтириш муҳимлиги ҳам айтилди. Айни чоғда сенаторлар томонидан Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган тақлиф ва тавсиялар берилди.

## ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БОРАСИДА ИШГА СОЛИНМАГАН ИМКОНИЯТ МАВЖУД

Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси мажлисида ИИВнинг 2023 йилда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси борасида тегишли вазирлик ҳамда идоралар билан олиб борган ҳамкорликдаги ишлари юзасидан ахбороти эшитилди.

Қайд этилишича, 2023 йилда содир қилинган умумий жиноятларнинг 82,7 фоизи фош этилган, қидирувдаги 7 563 нафар шахс ушланган, бедарак йўқолган 450 нафар шахс топилган. Тезкор-қидирув тадбирларини натижасида ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш содир этилган 6 455 та жиноят аниқланган. Бевоқиф маҳалларда жиноятчиликни жийовлаш мақсадида салмоқли ишлар бажарилган. Натияжада 2023 йил якуни бўйича мамлакатимизда 9 442 та маҳалладан 2 972 тага ёки 31,5 фоизда жиноят рўй бермаган. Жиноятлар кўпайган 2 298 та ёки 24,3 фоиз маҳалла "қизил" тоифага киритилган. Бу борада ИИВ Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирилик, Оила ва хотин-қизлар кўмитаси ҳамда Ёшлар ишлари

агентлиги билан яқиндан ҳамкорлик қилгани боис ижтимоий қўмакка муҳтож 6 634 хотин-қиз ишга жойлаштирилган, қарийб 11 минг нафарига тиббий, моддий ва ижтимоий ёрдамлар кўрсатилган. Таъйиқ ва зўравонликка учраган 40 мингдан ортиқ хотин-қизларга химоя олдери берилган. Оилалар мустаҳкамлигини сақлаш мақсадида ўтказилган профилактик тадбирлар натижасида 17 327 та оила ярашган, оилавий муаммолар ва зўравонликка дуч келган 1 450 нафар хотин-қиз аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларига жойлаштирилган. Мухокама жараёнида амалга оширилган ижобий ишлар билан бирга, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва улар профилактикаси йўналишида муайян камчиликлар, ўз ечимини кутаётган

масалалар ҳамда тўлиқ ишга солинмаган имконият мавжудлиги ҳам айтиб ўтилди. Профилактика инспекторлари фаолиятининг сулғиши оқибатида олдини олиш имконияти мавжуд бўлган жиноятлар сони ханузгача салмоқли. Бу борада Тошкент шаҳри, Тошкент, Фарғона ва Сирдарё вилоятларида кўрсаткичлар юқорилигича қолаётди. Шу боис тадбирда Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти Ички ишлар бoш бошқармалари ҳамда Фарғона ва Сирдарё вилоятлари бошқармалари масъул раҳбарларининг ҳам ахборотлари тингланган. Оилалардаги нотинчлик, низоларнинг ўз вақтида ҳал этилмаслиги маҳалла фаоллари ва кенг жамоатчиликнинг эътиборидан четда қолгани оқибатида ўта оғир жиноятлар содир этилмоқда. Жумладан, ўтган йилнинг 12 ойида содир этилган 363 та қотилликнинг 141 таси ёки 38,8 фоизи оила-турмуш доирасидаги низолар оқибатида келиб чиққан. Ёшларнинг муаммоларини



Махтумқули Фироеғий таваллудининг 300 йиллигига

# ҲАССОС СЎЗ САНЪАТКОРИ

Қардош туркман халқининг улуг шоири Махтумқули нафақат туркий халқлар, балки жаҳон адабиётининг муаззам сиймоларидан бири ҳисобланади. Жорий йил ЮНЕСКО томонидан Махтумқули Фироеғий таваллудининг 300 йиллик юбилеи дунё миқёсида кенг нишонланмоқда.

**Ҳислар юрагимда мавж ураб, битмас, Қайнар, тўлқинлар, ҳеч лойга ботмас, Илму тавлим олган сени унутмас, Кетар бўлдим, хуш қол, гўзал "Шерғози"...**

Махтумқули учун илм, маърифат, маънавий олам бир кутубда бўлса, унга тазод ўлароқ ўткинчи дунёнинг хою ҳаваслари, балою нафслари иккинчи бир кутубдан жой олади.

Ҳар қандай ижодкорнинг кўнгил олами, дунё-қараш, ҳаёт йўли, таржимаи ҳоли шеърларида акс этиши табиий. Жумладан, Махтумқули шеърлари орқали шоир яшаган ижтимоий-маънавий муҳит об-ҳавосини, шоирнинг қалб кечинмаларини, ишқ-муҳаббати, энг муҳими, эътиқодий ўзлиги — индивидуал "мен"ини англаш қийин эмас. Махтумқули шеърларида ёру дўстларига садокатини, қувончу армонларини, ғам-андуҳларини баён қилади. Мардлар, мардонларни мактайдди. Одамзодга мурожаатлар қилиб, дунё ҳолидан огоҳлантиради.

Махтумқули шеърини ҳаётлиги, негизда шарқона мумтоз ғалсафанинг муҷассам тоғлини, энг муҳими, шоир дунёқарашига мос баёнларида оят ва ҳадисларнинг муқим ўрин олгани билан ажралиб туради.

"Адашурсан тўғри йўлдан юрмасанг" — дарҳақиқат, шундай. Ҳаётда тўғри йўлда оғишмай юришининг фойдаси бўлакча, тўғри йўлдан юриш завқли ва аммо осон эмас. Машаққатли! Шоир таъкидига кўра, нафс йўлига кирган кимса йўлини йўқотади, йўлдошидан айрилади, инсоф деган бебаҳо фазилатни унутади. Нафс — бало, нафс — шайтон. Махтумқули ўз шеърларининг бирида "Хирқа кийган Хожа Аҳмад Сайрамдадир, Сайрамда" ва яна эҳтиром ила "Туркистон соҳиби — сарвар" дея тилга олган Аҳмад Яссавий ҳазратлари айтдики: "Нафсим мени йўлдан уриб хор айлади". Ясавий тариқатининг бундай таълимотини жуда яхши англаган шоир аждаҳога ўшарган нафс билан курашади. "Нафсининг изинда ит каби йўртган"ларни ҳеч ёқтирмайди. Уша сарсон-саргардонликнинг оқибати "вайл" (дўзах) бўлишини шоир теран англайди. Зотан, нафсининг тилаги ҳаммиша "Тўқинликка дуч бўлсам, есам-ичсам, хуш бўлсам" деб ҳақалак отиб тура-

ди. Оқил уни жиловлайди. Донолар тинимсиз тергаб туради.

Нафсининг шиддатли бўронли йўлида хушёр бўлиш ва унга учмаслик лозим. Нафс ити хар вақт ақиллаб, ниманидир тама қилиб ҳуради. Мумтоз Шарқ адабиётида нафс ёнда тама шерик бўлиб келади. Махтумқулининг устози Алишер Навоий ҳазратлари тамани "хорликлар боши" дейди ва унинг зидди бўлган қаноатта инсонни азиз қилгувчи сифатини беради. Нафс жиловини тама илигига илдирган одам сабр-қаноатни унутади, тезда иззатидан айрилади. Шунга кўра, Махтумқули "Қаноат қил, иззатда тут ўзингни, тама билан сарғайтирма юзингни", "Бой бўлай деб иззатингдан айрилма!" деб насиҳат этади. Зеро, "Нафсини ўлдириб, руҳини парварши этган" одам улугдир, унга "юз офарин" айтмоқ лозим.

Тўғриси, Махтумқулидан мерос қолган бундай нафс ва рух талошларига доир ўғитлар ҳамма замонлар, жумладан, ҳар ким тана-вуҷуд парваршига ҳаддан ташқари берилган бугунги глобал дунё учун ҳам бениҳоят муҳим. Шоир шеърларида ифодаланган ҳаёт ҳақиқати шундай қадрқимматли. Махтумқулининг иззати, ардоғи, замон билан ҳамнафаслиги ҳаёт китобининг ана шундай саҳифаларида кўзга яққол ташланади:

**Тингла — ҳақиқатдир шоирнинг сўзи: Вир томошахона бу дунё ўзи, Вақт етиб одамнинг юмилса кўзи, Гўё бу дунёга келди-келмади.**

Агар шоирнинг сўзи чинданам ҳақиқат бўлса, ҳар ким уни тинглаб, амал этишга бурчлидир, албатта.

"Дунё бир манзилдир келиб-кечарга" — инсоннинг дунёга келиши ва кетиши билан боғлиқ бундай тушунчалар шоир ижодида кенг ўрин тутди. Зотан, Махтумқули моллараст, дунёпараст, тан-парастларни ёқтирмайди. Ўз шеърларида "ёлғончи дунёни зиндонга", "бевафо аёлга", "туғқазмасдан учиб бораётган қушга" ёки "дунё ўшар тушимизга" дея бир марта кўрилган рўёга ўхшатади. Уни "кўна дунё", "фоний-ўткинчи дунё", "тебба дунё", "икки юзли, лўли дунё", "ўйинчи дунё", "фи-

Мухтасар айтганда, шоир шеърларини ўқиган одам ўз ҳаёти муаммоларига жавобни, чўккан кўнгли учун мисоли жўшқин дарёни топади. Унинг ёзганлари ҳар бир инсон учун дастуриямал бўлишга муносиб — "Махтумқули сўзи дурдир билганга". Унинг умрбоқий шеърлари ҳақоний, самимий, халқлик бўлгани учун ҳам марварид-дурга ўхшайди ва ҳар бир ўзбекнинг нафақат китоб жавони, балки кўнгли мулкидан ҳам муқим ўрин олган, албатта.



рибгар дунё" каби кўплаб сифатлар билан таърифлаб-таъсирлайди. Шоирнинг "мен дунёни осмонда қилдим", деган мисралари ҳам одамни ўйлантиради. "Дунё сўзи тўзсиз таомдир гўё", "Дунё — вуҷуд учун бир темир қафас" ёки яна ҳам қатъийроқ қилиб: "Дунё — ботқоқ, бўғзингча ботарсан", деган шоирнинг шафқатсиз огоҳлантиришларини ўқиган ўқувчи хушёр тортади.

Барча огоҳлантириш ва танбехлардан шоирнинг муроди яхшиликдир: "Яхшидир дунёда қолса яхши от". Бошқа бир томондан, шоир ишқ-муҳаббат мавзусида Менглихондан сўз очганида гўзал дунёга дуч келади:

**Дунё Боғи Эрамдир, сен унинг яшноқ гули, Мен эса сенга ошиқ қафас ичра бўлбули, Гул юзингда никобдир ул Лайлининг сунбули, Не сабабдан қийнайсан бир гариб ошиқ қулни? Ой жамолинг ишқиде бўлдим девона, Менгли.**

Ҳақиқатан ҳам, инсон қалбининг жавҳари бўлган муҳаббат тўғриси оламни ўзга бир назар билан кўришга ундайди.

"Фироеғий, ишқ ошиққа қанот айлар", "Ошиқлар Ҳақ ишқинда ҳайрондадир-хайронда" — шоирнинг "ишқ майдан ичиб" ҳайрон бўлишларини тасаввуфна ишқи илоҳийга боғлаб талқин этиш ўринлидир. "Ҳақ ишқиде тирик жон, билинг, боқий ҳаётдир", "Ишқ аро парвонадек куйган нишоним бор менинг". Махтумқули шеърларидаги "ёр", "ишқ", "ошиқ" каби тушунчалар, "май", "парвона", "шам" сингари мумтоз рамзалар тасавуфий маъно касб этади. Тўғриси, Махтумқулининг метафорик онгу шуури, истеъдоди, қийёсий тафаккур тарзи ана шундай поэтик санъатлар қўлланган шеърини мисраларда намён бўлади.

**Баҳоидир КАРИМОВ,**  
филология фанлари доктори, профессор.

## ТРАНСПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

### ТОШКЕНТ АЭРОПОРТИДА ЯНГИ АВТОБУСЛАР ИШ БОШЛАЙДИ

"Uzbekistan Airports" АЖ Тошкент аэропорти учун Германиянинг "Cobus Industries GmbH" ишлаб чиқарувчисидан йўловчи ташувчи 4 та автобус харид қилди.



Автобуснинг узунлиги қарийб 14 метр, эни 3 метр бўлиб, унга жами 104 йўловчи сиғади. Ушбу модель полни кўтариш ва тушириш учун пневматик тизим билан жиҳозланган. Йўловчиларни олиш ва туширишдан аввал автобус полни пасга тушириш ёки кўтариш мумкин. Бу хусусият чамадонли, болалар аравачаси ва ногиронлиги бўлган йўловчиларга уловга чиқиш ҳамда тушишни осонлаштиради.

Таъкидлаш жоизки, "Uzbekistan Airports" АЖ махсус транспорт паркинни янгиллаш ва модернизация қилиш бўйича тизимли ишлар олиб бормоқда. Жумладан, аэропорт мажмуасини тозалаш учун янги уни-версал машиналар, самолётларни муздаш тозалаш машиналари, самолёт ташувчи транспорт, двигателларни ерда ишга тушириш қурилмалари, самолёт салони учун ҳаво кондиционерлари ва бошқалар харид қилинди.

## ШАҲАРЛАРАРО ЭЛЕКТРОПОЕЗДЛАРДА ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Эндиликда электропоездлар учун чипталарни темир йўл вокзаллари ва бекатларда олиш шарт эмас. Балки бевосита электропоезд вагонларида АТТО транспорт карталари ёки банк карталаридан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга ошириш имконияти ишга туширилди.



Ушбу қулайлик дастлабки босқичда Тошкент — Хўжакент йўналишидаги электропоездларда жорий қилинди. Тез кунларда Тошкент — Бекобод, Тошкент — Ховос ва Тошкент — Ангрэн йўналишларидаги электропоездларда ҳам электрон тўлов тизимини ишга тушириш кўзда тутилган.

## ЙЎНАЛИШЛАРДАГИ ВАҚТ ОРАЛИҚЛАРИ ЯНАДА ҚИСҚАРАДИ

Яқинда пойтахтимизга тўрт вагонли янги 3 та замонавий метро ҳаракат таркиблари олиб келинди.

Ушбу ҳаракат таркиблари белгиланган йўриқномага асосан, техник синовдан ўтказилиб, сўнгра йўловчиларга хизмат қилиши йўлга қўйлади. Йўналишлардаги вақт оралиқларини янада қисқартириш мақсадида янги ҳаракат таркиблари, асосан, Юнусобод ва Ер усти халқа йўли йўналишларида ҳаракатга чиқарилади.

Таъкидлаш лозимки, жорий йил май ойига қадар яна 8 та метро поезди олиб келиниши режалаштирилган. Бу билан метро вагон паркларини янгиллаш ҳамда белгиланган вақт оралиқларини янада қисқартиришга эришиш мақсад қилинган.

«Халқ сўзи».

## Сумалак сайли

### Маҳалла аҳли учун қўшалоқ байрам

Фарғона вилоятининг Бағдод туманидаги чекка ҳудудда жойлашган "Хитой" маҳалла фуқаролар йиғини аҳли кейинги йилларда қўшалоқ хурсандчиликлар оғушида умргузаронлик қилмоқда.



Гап шундаки, Президентимиз ўтган йилнинг 27-28 июль кунлари Фарғона вилоятига ташрифи чоғида ушбу маҳалладаги Абдуғаффор ва Раънохон Халиловлар хонадониде аҳоли вакиллари билан самимий суҳбатлашди. Фарзандлар бахту камолини кўриб, дориларон кунлар шукронаси билан яшайётган маҳалла нурунчилари худуддаги мактабга қўшимча бино ҳамда фуқаролар йиғини учун замонавий хизмат биноси қурилишида амалий ёрдам сўрашган эди.

Ўтган қисқа фурсат мобайнида 22-умумий ўрта таълим мактаби учун 210 ўринли, маҳалла фуқаролар йиғинининг эса уч қаватли янги биноси қад ростлади.

"Ташаббусли бюджет" лойиҳаси доирасида маҳалланинг 4,5 км. ички йўллари асфальт қилинди, ичимлик суви, электр тармоқлари яхшиланди. Торморқачилик, паррандачилик, мебелсозлик, темирчилик каби тармоқларда янги лойиҳалар ишга туширилди ва иш ўринлари яратилди.

— Юртимизда қўлдам нафаси сезилиб қолган шу кунларда маҳалладошлар билан хонадонимизда сумалак сайли ўтказдик, — дейди "Хитой" МФЙда истиқомат қилувчи Санобархон Маҳмадова. — Қўшалоқ тантана сифатида нишонланган сумалак сайлида миллий қадриятларимизга кўра, қўлдам таомлари пиширилди, палов дамланди. Хонадонимизда тонга қадар ўлан ва ларлар, қадрдон куй-қўшиқлар янгради. Айтиш жоизки, бугунги кунда маҳалладаги 758 та оилада 2,8 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади.

Ботир МАДИЁРОВ  
(«Халқ сўзи»)

# РЕАБИЛИТАЦИЯ

## СОҒЛОМ ҲАЁТГА ҚЎЙИЛГАН ҚАДАМ

Ўзбекистон ижтимоий давлат экани Асосий Қонунимизда алоҳида белгилаб қўйилган. Бу мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар замирида инсон манфаати туриши, давлат тузилмалари, аввало, инсон учун ишлашини англайди. Бунда уларнинг жинси, ёши, ижтимоий келиб чиқишига кўра ажратилиши мутлақо мумкин эмас. Жамиятда имконияти кечланган шахсларнинг ҳам яшаши ва ижтимоий фаолият юритишлари учун шароит яратиш ижтимоий давлатнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

### Муносабат

Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш, ушбу шахсларга ёрдам бериш, уларнинг уюшмалари ва ташкилотлари билан мулоқот қилиш, шароит яратиш давлат аҳамиятига молик масала экани шубҳасиз.

Шу йилнинг 20 февралда Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ижтимоий ҳимоя соҳасидаги хизматлар қамровини янада кенгайтириш бўйича устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида кўтарилган масалаларга ҳам айна шу ижтимоий давлат призмасидан қарайдиган бўлсақ, ҳаммаси янада ойдинлашади.

### Ягона миллий дастур — асосий зарурат

Йиғилишда туман марказий шифоналарида беморлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш учун ўринлар ажратиш, поликлиникаларда тиббий реабилитация хоналарини ташкил этиш бўйича берилган топшириқларнинг замирида ҳам айна шу эзгу ният ётибди. Очигини айтганда, ҳозирда реабилитация тиббиёти физиотерапия бўлимлари фаолиятига асосланиб, муолажалар ўрта тиббиёт ходимлари томонидан амалга оширилади. Бу

бўлимларнинг кўпчилигида реабилитация шифокорлари етишмайди.

Кейинги йилларда глобал иқлим ўзгаришлари, экологиянинг ёмонлашиши, соғлом турмуш тарзига етарли амал қилинмаётгани боис юрак-қон томир ва асаб касалликларининг кўпайиши билан ногиронлик ҳам кескин ошди. Хар бир оғир бемор бир ёки иккита меҳнатлаё-қатли одамнинг ёрдамига муҳтож эканини ҳисобга олсақ, масаланинг қамрови янада кенгайди.

Ногиронлик ва меҳнат қобилиятини тиклаш билан боғлиқ муаммоларни хал қилиш учун бугунги кунда турли кардиологик ва неврологик касалликларга чалинган, оғир жароҳлик аралашувлар ҳамда травматик жароҳатлардан сўнг беморларни реабилитация қилишининг ягона миллий дастури зарурлиги кўзга ташланади.

Бу бўйича ривожланган мамлакатларда қўлланиладиган қатор моделлар мавжуд. Уларда ташхис қўйилган ва реабилитация дастури тайинлайдиган махсус шифокор бўлиб, бунда физиотерапевт фақат унинг кўрсатмаларини бажаради.

### Рақамлар ортида инсонлар ва оилалар тақдир

Тахлилларга кўра, 2018 — 2023 йиллар оралиғида фақатгина юрак-қон томир касалликлари бўйича ногиронлик белгиланган шахслар сони 78 минг 231 нафардан 114 минг

нафарга ошган. Ногиронлик белгиланаётган шахсларнинг ҳар 4 тадан биттиси юрак-қон томир тизими касалликларига тўғри келмоқда.

Маълумот учун, мамлакатимизда ҳар йили 63 мингдан ортиқ, Тошкент шаҳрида эса 10 мингга яқин инсульт ҳолатлари қайд этилади. Бу рақамлар ортида минглаб инсонлар, юзлаб оилалар тақдирини ётганини инобатга олсақ, давлат раҳбарининг куйиниб гапириши, масъуллардан ўзгариш кутиши гоёат асослидир.

Президентимиз раҳбарлигида ўтган йиғилишда туманлардаги даволаш ўринларининг маълум фойзига ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилишга ажратилиши, туман марказий шифоналарида тиббий реабилитация хоналари ташкил этилиши бўйича кўрсатма берилди.

Таъкидлаш лозимки, беморларга тиббий реабилитацияни эрта бошлаш ва тўлақонли олиб бориш даволаш самарадор бўлишида муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун республиканинг барча даражадаги шифоналари таркибиде замонавий реабилитация хизматларини ташкил этиш долзарб бўлиб бормоқда.

### Топшириқлар ижросига киришилди

Берилган кўрсатмалардан келиб чиқиб, туман ва шаҳар марказий шифоналарида жорий йилда реабилитация бўлимлари, оилавий поликлиника ва кўп тармоқли марказий поликлиникаларда реабилитация хоналари ташкил этилади. Уларни даволаш физкультураси, физиотерапия, механотерапия, кинезотерапия ва бошқа зарур тиббий усуслар билан таъминлаш чоралари қўрилади. Тиббиёт ходимларининг реабилитология асослари бўйича малякаси оширилади. Шунингдек, кўп тармоқли марка-

зий поликлиникалар, оилавий поликлиникалар ҳамда оилавий шифокор пунктларида реабилитологлар фаолиятини йўлга қўйиш ҳам эътиборга молик. Бунда ногиронлиги бўлган шахсларга ихтисослаштирилган реабилитация тадбирларини янада яқинлаштириш, уларнинг ҳолатини доимий мониторинг қилиб бориш имконияти яратилиши кўзда тутилган.

Реабилитация хизматларининг кўрсатилиши натижадада ногиронлик ҳамда касалликлар учун қилинаётган ҳарajatлар миқдори камайиши биз учун катта ютуқ бўлади.

Йиғилишда протез воситалари 18 турдан 30 турга, ажратилаётган маблағ эса 1,5 баробар оширилиб, 100 млрд. сўмга етказилди ҳамда улар билан таъминлаш электрон шаклда бўлиши таъкидланди. Ногиронлиги бўлган шахслар бундай воситаларни уйдан туриб, ваучер орқали онлайн ёки "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази ёрдамида исталган ишлаб чиқарувчидан олиш мумкин бўлади.

Бугунги кунда поликлиникаларда дори воситаларини электрон рецепт асосида бериш амалиёти босқинчи босқичга татбиқ этилмоқда. Бунда ногиронлиги бўлган шахсларга дори воситаларини тарқатишда ҳам тартиб ўрнатилиб, шаффоф тизим яратилди.

Умуман олганда, ногиронлиги бўлган инсонларга ва уларни соғломлаштириш тадбирларига янги ҳаётнинг асосида эътибор қаратиш режалаштирилган. Бу эса уларнинг саломатлигини тиклаши, ижтимоий ҳаётга мослашувини оширишда асосий ўрин тутди. Энг муҳими, бу чоратадбирларнинг барчаси мамлакатларида инсон қадри ва манфаатларини ҳамма нарсадан устун эканининг яна бир амалий ифодасига айланади.

Умида ҒАЗИЕВА,  
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тиббий ёрдами ташкиллаштириш департаменти бошлиғи.

**Халқ сўзи**  
Народное слово

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 242. 17 579 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Гезетаник ҳақиқати маълумотларини оқиб олдиш учун QR-коддин телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-259-74-51; қотибхат 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.

Тахририятга келган қўлёзмалар тахрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Гезетаникнинг сўзсиз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Гезета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Гезетаник полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
100066,  
Тошкент шаҳри,  
Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Р. Шеркулов.  
Мусаҳҳих — С. Исломов.

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 21.35

Топширилди — 23.20 1 2 3 4 5 6